

СОЛИҚ ЁКИ ЙИҒИМЛАРНИ ТЎЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАШ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА ГУВОҲЛАР ВА ГУМОН ҚИЛИНУВЧИЛАРНИ СЎРОҚ ҚИЛИШНИНГ ТАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдулахатов Абдушукур Абдумалик ўғли
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза
қилиш академияси магистранти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17974539>

Аннотация: Мазкур мақолада солиқ ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноятлар бўйича гувоҳлар, гумон қилинувчилар ва айбланувчиларни сўроқ қилиш тактикаси миллий ва хорижий криминалистик ёндашувлар таҳлили асосида ишончли далилларни шакллантириш, кўрсатувлардаги зиддиятларни бартараф этиш, сўроқ жараёнида психологик омиллардан самарали фойдаланиш ҳамда юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказишнинг процессуал-амалий хусусиятларини аниқлашга қаратилган комплекс илмий таҳлил ёритилган.

Аннотация: В данной статье представлен комплексный научный анализ, направленный на определение тактики допроса свидетелей, подозреваемых и обвиняемых по преступлениям, связанным с уклонением от уплаты налогов или сборов. Анализ основан на изучении отечественных и зарубежных криминалистических подходов и нацелен на формирование достоверных доказательств, устранение противоречий в показаниях, эффективное использование психологических факторов в процессе допроса, а также выявление процессуально-практических особенностей проведения очной ставки.

Abstract: This article presents a comprehensive scientific analysis of interrogation tactics for witnesses, suspects, and accused individuals in tax evasion-related crimes. Based on an examination of national and foreign forensic approaches, the study focuses on developing reliable evidence, resolving contradictions in testimonies, effectively utilizing psychological factors during interrogation, and identifying the procedural and practical aspects of conducting confrontational investigative actions.

Калит сўзлар: сўроқ тактикаси, солиқ жиноятлари, гувоҳ кўрсатувлари, гумон қилинувчи, юзлаштириш, далиллаштириш, психологик омиллар, криминалистик методлар

Ключевые слова: тактика допроса, налоговые преступления, показания свидетелей, подозреваемый, очная ставка, доказывание, психологические факторы, криминалистические методы

Keywords: interrogation tactics, tax crimes, witness testimony, suspect, confrontation, evidence gathering, psychological factors, forensic methods

Жиноят ишларини тергов қилиш амалиётида сўроқ қилиш энг кўп қўлланиладиган тергов ҳаракати ҳисобланиб, «унинг мақсади шахсдан исботланиши керак бўлган ҳолатларни аниқлаш учун муҳим бўлган ёки аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган фактлар ва ҳодисалар тўғрисида кўрсатувларни олиш, тергов қилинаётган воқеа билан боғлиқ маълумот манбаларини аниқлаш ва ишда мавжуд далилларнинг ишончлилигини текширишдан иборатдир»¹.

Ёзма далиллар солиқ жиноятлари бўйича жиноят ишини қўзғатиш асоси сифатида қаралиши мумкин, аммо сўроқ пайтида берилган жиноят процесси иштирокчиларининг кўрсатувлари ишда тўпланган далилларнинг ишончлилиги, тегишлилиги ва етарлилигини мустаҳкамлайди. Айнан жиноят иши юзасидан тўпланган далиллар мажмуидан келиб чиқиб мавжуд номувофиқликни бартараф этиш ва уларнинг табиати юзасидан объектив хулосага келиш мумкин.

Табиатан ҳар бир одам атрофида юз бераётган ҳодисаларни ўзича идрок этади, бундан ташқари олинган маълумотлар қайта ишланиб, хотирадан жой эгаллайди. Мазкур маълумотларни олишда маълум бир схемалар зарур бўлиб, у маълумотларга филтр ролини бажаради дейди америка ёзувчиси Дейв Лахани². Дарҳақиқат, тергов давомида биз шахсдан керакли маълумотни олишга ҳаракат қиламиз. Бунда маълум бир криминалистик тактика қўлланилмаса, сўроқ тергов ҳаракати самарасиз ўтади.

Бизнинг фикримизча, сўроқ қилишнинг асосий мақсади қўйидагича:

- сўроқ қилинаётган шахснинг хотирасида далилий маълумот манбалари сифатида акс эттирилган, жиноят ишида исботланиши керак бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар, шакли ва мазмуни бўйича тегишлилик ва мақбуллик жиноят-процессуал талабларига мувофиқ уларни тўлиқ белгилаш;

- сўроқ натижасида олинган маълумотлардан жиноят ишида қонунийлик принципи асосида ва виждонан ҳал қилиш учун мавжуд бўлган барча далилларнинг ишончлилиги ва етарлилиги тўғрисида хулосалар чиқариш учун фойдаланишдир.

Солиқ жиноятлари бўйича сўроқ қилиш тактикаси уларни тергов қилиш методологиясининг умумий тизимида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- солиқ жиноятлари бўйича сўроқ қилиш – бу ноқонуний солиқ имтиёзларини олиш учун солиқ муносабатлари иштирокчиларининг

¹ Руководство для следователей / под ред. Н.А. Селиванова, В.А. Снеткова. М.: ИНФРА-М, 1997. С. 306.

² http://loveread.ec/view_global.php?id=49602

солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлашнинг сабаблари, шарт-шароитлари аниқлашнинг бир усули;

- сўроқ қилинаётган барча шахслар тергов қилинаётган солиқ жинояти содир этилган солиқ ҳуқуқий муносабатларига бевосита ёки билвосита боғлиқдир;

- сўроқ қилинаётган шахслар солиқ органи томонидан белгиланган солиқ ҳуқуқбузарлиги ҳолатлари билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган маълумотлар эгаларидир;

- сўроқ қилиш предмети – бу жиноят процесси иштирокчиларини сўроқ қилиш пайтида солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларига бевосита ёки билвосита алоқаси бўлган маълумотлардир;

- солиқ жинояти ҳолатлари тўғрисида маълумот берган шахслар камдан-кам ҳолларда ўзларини гувоҳ сифатида билишади;

- солиқ ҳуқуқбузарлигининг аниқланиши шахснинг қилмишида жиноят таркиби мавжудлигини автоматик равишда белгиламайди. Агар сўроқ қилинаётган шахслардан бирининг кўрсатмалари солиқ органига берилган ва ушбу орган материалларида акс эттирилган маълумотларга мос келмаса, терговчи уларни бошқа далиллар билан таққослайди ва ушбу далилларни тасдиқловчи ёки инкор этувчи бошқа далилларни тўплаш чораларини кўради;

- солиқ текширувлари материалларида ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотлар мавжудлиги юзасидан ва тергов давомида солиқ жиноятини содир этганликда айбланувчининг (гумон қилинувчининг) айбдорлиги тўғрисидаги далиллар юзасидан ҳар хил турдаги квалификация амалга оширилади.

Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини тўғри ташкил этиш хусусиятлари миллий олимлардан: А.Я.Мехмонов³, Б.Х.Мухиддинов⁴, Д.Б.Базарова⁵, А.О.Тўйчиев⁶, хорижлик олимларидан С.С.Пешков⁷, А.В.Бороков⁸,

³ Мехмонов А.Я. СЎРОҚ ҚИЛИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИ СИФАТИДА: УНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТУРЛАРИ ВА ТАКТИКАСИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 3. – С. 981-985.

⁴ Мухиддинов Б.Х. СЎРОҚ ҚИЛИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ ЎТКАЗИ ТАРТИБИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 530-534.

⁵ Базарова Д.Б. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЖАБРЛАНУВЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ КАФОЛАТЛАРИ //ЮРИСПРУДЕНЦИЯ. – 2022. – Т. 3. – №. 1.

⁶ Тўйчиев А.О. ЎЗЛАШТИРИШ ЁКИ РАСТРАТА ЙЎЛИ БИЛАН ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШ ЖИНОЯТИНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ //ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2021. – Т. 6. – №. 3.

⁷ Пешков С. С. Тактика допроса по делам о налоговых преступлениях //Проблемы экономики и юридической практики. – 2007. – №. 4. – С. 18-19.

⁸ Боровков А. В. Психологические и тактические особенности допроса подозреваемого (обвиняемого) при расследовании «налоговых преступлений» //Legal Concept. – 2010. – Т. 5. – №. 2-13. – С. 118-122.

Н.А.Табакова⁹, А.М.Сажаев¹⁰ ва бошқа олимлар илмий ишларида ўрганилган. Уларнинг ишларини таҳлил қилиш натижалари бўйича қўйидагича хулосаларга келинди.

Солиқ жиноятларини тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сўроқ орқали жиддий муваффақиятга эришиш учун тегишли криминалистик тактикага амал қилиш лозим. Бунда сўроқ қилиш тактикасининг ўзига хос хусусиятларини қўйидагилар ўз ичига олади:

1) сўроқ қилинаётган шахснинг психологик ҳолати (портретини) ўрганиб чиқиш;

2) сўроқ қилинаётганларнинг умумий маълумот ёки таълим даражасини, солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ ҳолатларни касбий тушуниш даражасини, солиқ жиноятини содир этишга сабаб бўлган воқеаларга алоқадорлиги ва ушбу жиноятга жалб қилиниши даражасини аниқлаш;

3) агар солиқлар ёки йиғимлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузишнинг ўзига хос хусусиятлари ва солиқ ҳуқуқбузарлигини содир этиш механизми сўроқ қилинаётган шахснинг касбий фаолияти ва тажрибаси билан боғлиқ бўлса, унда қўйидагилар аниқланиши зарур:

- солиқ жиноятини содир этиш механизмининг умумий жиҳатлари ва ҳолатлари, шу жумладан, жиноий ҳодиса юзасидан фикрларини ўрганиш,

- содир этилган ҳуқуқбузарлик бўйича солиқ қонунчилиги талаблари қай даражада бузилганлиги юзасидан фикрларини ўрганиш;

- солиқ жинояти механизмини амалга оширишда бевосита ёки билвосита иштирок этадиган шахсларнинг ҳаракатларида (ҳаракатсизликларида) айбнинг намоён бўлиши фактлари тўғрисида сўроқ қилинаётган шахснинг хабардорлиги ва фикрини билиш;

- сўроқ қилинаётган шахснинг солиқ жиноятини содир этиш механизмини амалга оширишда бевосита ёки билвосита иштирок этадиган ҳар бир шахснинг мотивлари, иштирок этиш даражаси ва роли тўғрисида, шунингдек юзага келган ҳуқуқий оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш юзасидан маълумотлар олиш;

Гумон қилинувчини (айбланувчини) сўроқ қилишда қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

⁹ Табакова Н. А. Особенности допроса обвиняемого по делам о налоговых преступлениях //Вестник Краснодарского университета МВД России. – 2011. – №. 2 (12). – С. 59-64.

¹⁰ Сажаев А. М. О тактике допроса подозреваемых (обвиняемых) при расследовании налоговых преступлений //Противодействие налоговой преступности. – 2018. – С. 175-179.

- сўроқ предмети билан боғлиқ бўлган ва сўроқдан ташқаридаги мавзулар бўйича кўпроқ масалалар бўйича фикрларнинг яқинлашишига эришиш,

- унинг позициясига ва унга яқин одамларнинг позициясига ҳамдардлик кўрсатиш,

- маълум шахсий хусусиятларга (ҳар қандай ишдаги умумий тажриба, бир минтақада яшаш, билими, ўз фикрларини тўғри ифода этиш қобилияти, тинглаш қобилияти, ақлиги, ўзини ўзи қадрлаш ва бошқалар) нисбатан ўзаро яқинлик ҳиссини уйғотишга ҳаракат қилиш,

- тергов мантиғининг ишонарли эканлигини ва содир этилган жиноятнинг барча иштирокчиларини фош қилишнинг далилий кетма-кетлигини намойиш этиш орқали сўроқ қилинаётган шахсни тасдиқловчи саволларга тез-тез “ҳа” сўзи билан жавоб беришга мажбур қилиш шундан сўнг унинг манфаатлари ва тергов манфаатларининг мос келадиган нуқталарини муҳокама қилиш мумкин.

Жиноят-процессуал кодекси жиноят процессининг кўплаб иштирокчиларини сўроқ қилиш имкониятини назарда тутди. Бизнинг назаримизда, солиқ жиноятларини тергов қилишда қўлга киритилган далиллар миқдори бўйича, бошқа кўплаб жиноятларни тергов қилишда бўлгани каби, бошқа масалаларда ҳам гувоҳлар, гумон қилинувчилар ва айбланувчиларни сўроқ қилиш энг муҳими ҳисобланади.

Солиқ жиноятларини тергов қилишда гумон қилинувчи ёки айбланувчига бўлган муносабатига қараб турли тоифадаги гувоҳларни сўроқ қилишнинг тактик хусусиятлари тўғрисидаги фикрлари илмий-назарий ва амалий жиҳатдан асосланган бўлиб, уларни тергов ҳаракатларида қўлланиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг назаримизда, солиқ жиноятини тергов қилишда сўроқ қилишнинг ўзига хослигини таъкидлайдиган ва терговчига солиқ ҳуқуқий муносабатлар тизимида сўроқ предмети бўйича йўналиш берувчи характерли хусусиятларни кўриб чиқиш ўринлидир.

Шундай қилиб, солиқ жиноятлари тўғрисидаги ишлар бўйича жиноят процесс иштирокчиларини сўроқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

а) терговчи шахсларни сўроқ қилиш тартибини, сўроқ қилиш предмети ва тактикасини, уларнинг процессуал мақомининг истиқболларини аниқлашда жиноят тўғрисидаги хабарларни текшириш давомида солиқ органидан сўралган ёки олиб қўйилган материаллар, ҳужжатлар, экспертиза натижалари, ҳужжатли текшириш, аудит ва мутахассислар фикрлариг таянади;

б) суриштирувчи ёки терговчи сўроқ қилинаётган шахснинг солиқлар ёки йиғимлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлиги юзасидан унинг хабардорлик даражаси тўғрисида фикрни солиқ органи материалларини таҳлил қилиш натижалари ва ҳуқуқбузарлик содир этилиши механизми асосида шакллантиради;

в) сўроқ қилинаётган шахснинг солиқ қонунчилигини бузиш ҳолатлари тўғрисида хабардор бўлиши, унинг солиқ ҳуқуқий муносабатларидаги: солиқ тўловчи, солиқ органининг вакили, солиқ тўловчи билан меҳнат, фуқаролик, оилавий, шахсий ёки бошқа муносабатларда, ишончли вакил сифатида иштироки билан боғлиқ.

г) сўроқ натижаларига кўра қўйидагилар аниқланади:

сўроқ қилинаётган шахснинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг солиқ қонунчилигини бузиш механизми билан сабабий боғлиқлиги;

сўроқ қилинаётган шахснинг бошқа шахслар томонидан содир этилган солиқ қонунчилигини бузиш ҳолатлари тўғрисида хабардорлик даражаси;

д) солиқ тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилиши билан сабабий боғлиқлик мавжуд бўлган, бу ҳақда сўроқ қилинувчи шахсга маълум бўлган тақдирда, сўроқ қилинаётган шахс ва бошқа шахслар томонидан содир этилган ҳаракатлар сабаблари аниқлаштирилади;

е) сўроқ қилинаётган шахснинг гувоҳлиги солиқ органининг материалларида мавжуд бўлган солиқ қонунчилигини бузиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни такрорлайди, тўлдиради ёки маълум бир қисмида номувофиқликларга эга бўлади, бу сўроқ кун тартибига тузатиш киритиш зарурлигини билдиради ва бунинг сабабларини аниқлаштиради;

ж) ҳар бир сўроқ қилинаётган шахс тўғрисидаги маълумотлар терговчи томонидан моделлаштирилган солиқ жиноятини содир этиш механизмининг тафсилотларини тўлдиради ва ушбу механизмнинг амалга оширилаётган мазмунини баҳолашга таъсир қилади;

з) ҳар бир сўроқ натижалари терговчининг сўроқ қилинаётган шахсларнинг солиқ жиноятини содир этиш механизмини режалаштириш ва амалга оширишдаги роли ва иштироки тўғрисида хабардорлигини оширади;

и) солиқ органининг бухгалтерия ҳисоби ва солиқ тўғрисидаги солиқ қонунчилигига мувофиқ талаб қилинадиган ҳужжатлар йўқлиги тўғрисида ҳулосаси мавжуд бўлганида - бу одатда солиқ жиноятини содир этишнинг режалаштирилган механизми моделларидан бирини амалга ошириш натижасими ёки бу жиноят изларини яшириш билан боғлиқ механизм элементларидан бирининг намоён бўлиши ёхуд иккинчисини амалга ошириш жараёнида содир этишнинг илгари режалаштирилган механизмини тўлдириш учун бошланганини аниқлаш зарур;

к) сўроқ қилинаётган шахснинг солиқ органига тўлиқ бўлмаган, нотўғри, қарама-қарши ёки сохталаштирилган маълумотларнинг шаклланганлиги ва тақдим этилиши ҳолатлари тўғрисида алоқаси ва хабардорлиги аниқлаштирилади;

л) сўроқ қилинаётган шахснинг солиқ имтиёзини амалга ошириш шакли ва усуллари, ундан фойдаланиш ёки инвестиция йўналишлари билан боғлиқлиги ва хабардорлиги аниқлаштирилади;

м) сўроқ қилинаётган шахснинг солиқ тўловчига, солиқ тўловчининг вакилига, солиқ ҳисобини юритиш учун масъул шахсга қарамлик муносабатларидан (меҳнат, фуқаролик-ҳуқуқий, молиявий ва бошқа муносабатлар) хабардор бўлиши, унинг томонидан солиқ қонунчилигини бузиш билан сабабий боғлиқ бўлган ва бунинг натижасида бюджетга солиқ тушмаслиги билан содир этилган ҳаракатлари аниқлаштирилади;

н) сўроқ қилинаётган шахснинг солиқ имтиёзларини олишнинг ноқонунийлиги тўғрисида хабардорлиги ва зарур миқдордаги солиқни олмаслик шаклидаги бюджет учун оқибатлари аниқлаштирилади;

о) сўроқ қилинаётган шахсдан ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий тузилиши, идоралар, омборлар, ишлаб чиқариш бинолари, филиаллар, ваколатхоналар, шўба ва бўлинмаларнинг ҳудудий жойлашуви, ташкилотнинг мол-мулкни сақлаш жойлари, бошқарув тузилмаси, ҳужжат айланишининг белгиланган тартиби ва бошқалар тўғрисида аниқланиши керак;

п) солиқ тўловчининг контрагентлари доираси ва улар билан тузилган битимларнинг моҳияти сўроқ қилинаётган шахс томонидан аниқланиши керак;

р) ташкилот акционерлари (таъсисчилари) рўйхати ва текширилатган солиқ тўловчининг фаолиятига жорий раҳбарликни амалга оширувчи масъул шахслар доираси сўроқ қилинаётган шахс томонидан аниқланиши керак, жумладан:

акциядорлар (таъсисчилар) ва ташкилотнинг жорий бошқарувини амалга оширувчи шахслар ўртасидаги муносабатлар;

акциядорлар (таъсисчилар) ва ташкилотга жорий бошқарувни амалга оширувчи шахсларнинг тадбиркорлик ва бошқа мулкӣ манфаатлар соҳалари, йўналишлари;

ҳисобот даврида ушбу шахслар томонидан амалга оширилган муҳим операциялар;

ушбу шахслар томонидан ҳисобот даврида капитал ҳаракати билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган валюта операциялари.

Гумон қилинувчи ёки айбланувчи унга берилган процессуал ҳуқуқ асосида гувоҳлик беришдан бош тортган вазиятга алоҳида эътибор

қаратиш лозим. Гувоҳ эса ЖПКнинг 66, 115 ва 116-моддаларида назарда тутилган тартибга асосланиб, гувоҳлик беришдан бош тортиши мумкин.

Агар шахс гувоҳлик беришдан бош тортса, терговчи унга эгаллаб олинган позициянинг барча салбий оқибатларини тушунтириши керак. Гумон қилинувчи ўз кўрсатмаларидан ҳимоя воситаси сифатида фойдаланиши мумкин, аммо гувоҳнинг қариндошлари ва дўстларига нисбатан, улар учун гувоҳлик беришдан бош тортган бўлса. Агар улар ўртасида расмий ёки бошқа фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар мавжуд бўлса, жазони оғирлаштирадиган ҳолатлар мавжудлиги айбланувчи томонидан унинг ишончидан фойдаланган ҳолда жиноят содир этиш деб тан олиниши мумкин. Ёки аксинча, гувоҳнинг яқин кишиси бўлган айбдорларга фаол ёрдам берилса, жиноятни очиш ва тергов қилиш ушбу ҳолатни жазони енгиллаштирувчи деб тан олишдан бош тортиши мумкин.

Бундан ташқари, бошқа манбалардан олинган далиллардан моҳирона фойдаланиш, шерикларнинг кўрсатмалари, бошқа гувоҳларнинг гувоҳлик беришдан бош тортган гувоҳларнинг яқинларига нисбатан кўрсатувлари ўртасидаги зиддиятлар сўроқ қилинаётган шахснинг ўз тақдири учун ташвишини кучайтириши мумкин. Шунинг учун, агар гумон қилинувчиларнинг биттаси кўрсатма берган бўлса, ушбу кўрсатмаларнинг айрим жиҳатлари бошқа шериклар ва гувоҳларни сўроқ қилишда ишлатилиши мақсадга мувофиқ.

Кўпгина ҳолларда, гумон қилинувчиларда (айбланувчиларда) гувоҳлик беришдан бош тортишнинг сабаби вақтинчалик бўлиб, жиноят ишининг барча материаллари, шу жумладан ашёвий далиллар, фотосуратлар, аудио ёки видео ёзувлар, кинофильмлар ва тергов ҳаракатлари баённомаларига бошқа қўшимчалар билан танишгандан сўнг улар учун энг мақбул ҳуқуқий позицияни эгаллаш истаги билан боғлиқ.

Бундай ҳолда, қуйидаги омиллар (факторлар) гумон қилинувчи ёки айбланувчининг позициясига таъсир қилиши ва уни дастлабки тергов босқичида гувоҳлик беришга мажбур қилиши мумкин:

- содир этилган жиноят учун жавобгарликни тўлиқ ёки қисман олиб ташлашга уринаётган жинойий шерикларининг кўрсатувлари. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг жиноятни содир этишдаги роли ва иштироки, охириги позиция учун аниқ ноқулай бўлган далилларни беришдан бош тортганлиги ва далилларнинг етарлилиги даражаси, шу жумладан шерикларнинг кўрсатмаларини ҳисобга олган ҳолда ва уларни тергов билан баҳолаш айблов мазмунини бирлаштиришга ёрдам беради;

- турли манбалардан етарли миқдорда (ва ҳажмда) олинган далиллар ва уларни тергов томонидан баҳоланиши гумон қилинувчининг (айбланувчининг) жиноят содир этишнинг қайта тикланган

механизмидаги ўта салбий позициядаги роли ва иштироки даражасини мантиқан аниқ белгилайди ва кўрсатув беришдан бош тортган айбланувчининг манфаатларини кўзлаб, унинг жиноятда иштирок этиш ҳолатларини унинг кейинчалик кечикиб кўрсатув бериш шароитида олинган далиллар асосида қайта баҳолаш имконияти сезиларли даражада камаяди;

- терговнинг муваффақиятли натижалари билан моҳирона муносабатда бўлиш гумон қилинувчини (айбланувчини) жиноят ҳодисасининг барча ҳолатларини далилий тиклаш муқаррарлигига ва у ўз жинояти юзасидан кўрсатма беришни давом эттиришдан бош тортиши муносабати билан ҳамкорлик тўғрисида судгача бўлган келишувни тузиш имкониятини йўқотишига ишонтириши мумкин.

Ёлғон гувоҳлик берилаётганда, сўроқ пайтида ишлатиладиган далиллар ёрдамида ёлғонни муваффақиятли тарзда енгиб ўтиш мумкин. Агар сўроқ қилинаётган шахсни фош қилиш учун далиллар етарли бўлса, улардан самарали фойдаланиш чораларини кўриш зарур. Келажакда далилларни обрўсизлантириш имкониятини истисно қилиш мақсадида, биринчи навбатда, гумон қилинувчини тақдим этилган далиллар билан боғлиқ ҳолатлар бўйича сўроқ қилиш керак. Шундан сўнг, далилларни маълум бир кетма-кетликда тақдим этиш тавсия этилади, шунда гумон қилинувчи шахс уларнинг далилий мантиғини ва тергов томонидан жиноят ҳодисасининг барча ҳолатларини далилий тиклашнинг ишончли кетма-кетлиги аён бўлади.

Масалан, биринчи навбатда, тинтув (олиб қўйиш) баённомалари, олиб қўйилган (сўраб олинган) ҳужжатлар ва ашёлар, суд-тиббиёт экспертизаси хулосалари, ҳужжатли текширишлар, аудитлар, ҳужжатларни текшириш натижалари, мутахассис хулосалари, иш жойини (ишлаб чиқариш жойини) текшириш, сўнгра гувоҳларнинг, жиноятга шерик шахсларнинг кўрсатмалари тақдим қилинади. Ва энг сўнгида, асоссиз солиқ имтиёзларини олиш ва улардан фойдаланиш натижасида мулкый манфаатларнинг қондирилишини тасдиқловчи далиллар тақдим этилади. Агар фуқаро томонидан тергов томонидан текширилаётган даврда моддий бойликларни жуда кўп миқдорда ўзлаштириш фактларини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса, уларни энг охирда тақдим қилиш мақсадга мувофиқдир.

Одатда, аввал иккиламчи ҳолатларга оид далиллар тақдим этилади, сўнгра анча муҳимроғлари. Бироқ сўроқ қилинаётган шахснинг шахсини ҳисобга олган ҳолда, бошқа кетма-кетлик танланиши ҳам мумкин.

Далилларни тақдим этишдаги кетма-кетлик ҳал қилувчи далиллардан бирининг таъсирини кучайтириш мақсадида ишлатиладиган ажабланиш

элементидан фойдаланиш учун бузилиши мумкин. Ажабланиш элементидан фойдаланиш далилларни тақдим этиш билан боғлиқ бўлмаган, кутилмаган саволни шакллантиришда ифодаланиши мумкин.

Терговнинг дастлабки босқичини далиллаштириш жараёнида, одатда, муаммолар мавжуд бўлади. Шунинг учун терговчи олдида иккита асосий вазифа туради: бундай бўшлиқларни тўлдириш ва сўроқ қилинаётган шахснинг улар ҳақида тахмин қилишига йўл қўймаслик. Бунинг учун гумон қилинувчида, бир томондан, терговчининг хабардорлиги тўғрисида ғояни бўрттириш, бошқа томондан эса хабардор бўлмаслик даражасини яшириш керак, чунки терговчига аниқ нима маълумлигини билиб олгандан сўнг, сўроқ қилинаётган шахс терговчининг билмаган нарсаси ҳақида осонгина билиб олиши мумкин.

Терговчининг хабардорлик фикрини (ҳиссини) бurtтириш қўйидаги йўллар орқали яратиш мумкин:

- мавжуд далилларни сезиларли оралиқда босқичма-босқич тақдим этиш, бу сўроқ қилинаётган шахсда уларнинг сезиларли ҳажми тўғрисидаги фикрни яратади;

- ЖК 184 – 184¹-моддаларида кўрсатиб ўтилган солиқ жиноятлари билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш бўйича тезкор-қидирув маълумотларидан фойдаланиш;

- ЖК 184 – 184¹-моддаларида кўрсатиб ўтилган солиқ жиноятлари билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишнинг иккинчи даражали тафсилотларини аниқлаштириш. Бу сўроқ қилинувчи шахсга қолганлари аллақачон маълумлиги ҳақида таассурот қолдириши мумкин. Ушбу усул солиқ жиноятини содир этиш сабабларини, олинган моддий манфаатдан фойдаланиш йўналишларини аниқлашда самарали қўлланилади.

- сўроқ қилинаётган шахсда ҳодисанинг эҳтимолий йўналишини ривожлантириш учун терговчида мавжуд тўлиқ бўлмаган маълумотлар ишлатилади. Бироқ суриштирувчи ёки терговчи ўзининг хабарсизлигини ошкор қилмаслик учун бу усулни қўллашда жуда эҳтиёт бўлиши керак.

Терговчи сўроқ вақтида мавжуд далиллардан яққол етарли эмаслиги туфайли фойдалана олмайдиган ҳолатлар ҳам мавжуд, шунинг учун у сўроқ қилинаётган шахснинг ўзидан керакли маълумотларни олиши керак.

Бунинг учун кўрсатувларда юзага келадиган қарама-қаршилиқлардан ва сўзлардан фойдаланиш мумкин, чунки кўрсатмаларда кўпинча хаёлий маълумотлар ҳақиқий фактлар билан аралашиб кетади. Бундай сўзларни пайқаш жуда муҳимдир. Суриштирувчи ва терговчининг вазифаси шундаки, у сўроқ қилинаётган шахсдан олинган, сўзлар ва қарама-қаршилиқларда мавжуд бўлган маълумотларни сўроқнинг иккинчи

қисмида, сўроқ қилинаётган шахсдан саволлар бериш йўли билан зарур тушунтиришларни талаб қилиши керак.

Сўроқ пайтида ҳам мустақил, ҳам бошқа усуллар билан биргаликда қўлланиладиган эмоционал таъсир усулларидадан фойдаланиш мумкин. Солиқ жиноятларини тергов қилишда шу каби қўйидаги усуллар қўлланилади:

- пушаймон бўлишнинг ҳуқуқий оқибатлари билан таништириш (сўроқ қилинаётган шахсни Жиноят кодексининг тегишли нормаси билан таништириш, унинг мазмунини тушунтириш, бундай турдаги жиноятни содир этган судланувчи ўз айбига тўлиқ иқроор бўлган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган ҳукмни кўрсатиш);

- сўроқ қилинаётган шахснинг ижобий фазилатларини фаоллаштириш йўли орқали келажакда ҳақиқий гувоҳлик олиш учун фойдаланиш мумкин. Ижобий фикрларга, характернинг ижобий томонларига асосланган ҳолда, терговчи сўроқ қилинаётган шахсни нормал ҳаёти аста-секин яхшиланиши ҳақида фикрни билдириши мумкин. Терговчининг хайрихоҳлиги ёлғондан ҳақиқатга, қарама-қаршиликдан ўзаро таъсирга ўтишни осонлаштиради.

Гумон қилинувчи ва гувоҳнинг ёлғон кўрсатув берганлиги ёки кўрсатув беришдан бош тортганлиги шароитида сўроқ қилиш тактикасини кўриб чиқишни яқунлаб, ушбу тергов ҳаракатини амалга оширишда қўлланилган тактикаларда айрим ҳолатларни таъкидлаш лозим.

Рост кўрсатувларни олишга қаратилган санаб ўтилган усуллардан қайси бирини сўроқ пайтида танланишидан қатъи назар, терговчи ва сўроқ қилинувчи ўртасида тўғри психологик алоқа бўлмаганида у қутилган самара ва натижаларни бермайди. Бундай алоқа терговчининг ушбу йўналишдаги қатъий ҳаракатлари натижасида бўлиши мумкин, аммо ҳар қандай хато ёки ноқулайлик бундай алоқани бузиши мумкин.

Юзлаштириш тергов ҳаракатига келсак, шуни таъкидлаш жоизки, юридик адабиётларда ушбу тергов ҳаракатига аниқ тариф берилмаган. У қўйидагича таърифланади:

- бир вақтнинг ўзида бир хил ҳолат юзасидан икки шахсни бир-бирининг иштирокида сўроқ қилиш;

- баҳсли ҳолатлар бўйича ҳақиқатни аниқлаш мақсадида илгари сўроқ қилинган икки шахснинг кўрсатмаларида жиддий қарама-қаршиликлар мавжуд бўлган ҳолатлар тўғрисида бир-бирининг иштирокида сўроқ қилиш;

- мустақил тергов ҳаракати.

Тадқиқот иши натижалари бўйича биз ушбу тергов ҳаракатининг қўйидаги таърифини шакллантирдик: **“Юзлаштириш - бу**

кўрсатувларида жиддий қарама-қаршиликлар мавжуд бўлган, илгари сўроқ қилинган икки шахсни бир вақтнинг ўзида сўроқ қилишдир”.

Юзлаштиришнинг фактик асоси - илгари сўроқ қилинган икки шахснинг кўрсатувлари ўртасидаги зиддиятларнинг мавжудлиги. Юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш вазифаси бошқа сўроқ қилинаётган шахс иштирокида кўрсатмалар олиш, шунингдек кўрсатувдаги зиддиятларнинг сабабларини аниқлаш ва бу қарама-қаршиликларни бартараф этишдан иборат.

Ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш тактикаси юридик адабиётларда батафсил муҳокама қилинган бўлиб, мазкур тадқиқот ишида фақат солиқ жиноятларини тергов қилишда юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш хусусиятларига эътибор қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, юзлаштириш бу *“мураккаб тергов ҳаракати”* бўлиб, аксарият ҳолларда *“қарама-қарши ҳолатларни, сўроқ қилинаётган шахслар ўртасидаги муносабатларни аниқлаш учун иш материалларини ўрганишни”*, саволларнинг дастлабки тузилишини, саволларлар беришнинг кетма-кетлигини аниқлашни, зарур далилларни тайёрлашдан иборат *“дастлабки тайёргарликни”* талаб қилади.

Солиқ билан боғлиқ жиноят ишларни тергов қилишда кўрсатувлардаги қарама-қаршиликларнинг сабаби, кўпинча, юзлаштириш тергов ҳаракати иштирокчиларидан бирининг ёки иккаласининг ёлғон гапиришидир. Бироқ, кўрсатувлардаги жиддий қарама-қаршиликларнинг сабаби аксарият ҳолларда олдиндан аниқланади, шунинг учун юзлаштириш тергов ҳаракати иштирокчиларининг самимий ва носамимийларга бўлиниши ҳисобга олинади.

Юзлаштириш психологик жиҳатдан ҳам мураккабдир. Психологик босим ўтказишнинг биринчи омили - бир хил фактлар юзасидан бошқача, баҳсли тушунтириш берадиган шахснинг мавжудлигидир. Кўп жиҳатдан сўроқ қилинаётган шахслар ўртасидаги муносабатларнинг табиатига боғлиқ бўлган тергов ҳаракатининг муҳити инсон руҳиятига кучли таъсир қилади.

Қарама-қарши кўрсатмаларнинг асоси, аксарият ҳолларида, бирламчи ҳужжатларда, ҳисоб-фактураларда, бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби регистрларида, хўжалик операциялари ҳисоботида, пул маблағлари, моддий бойликлар, номоддий активлар ва солиқ ва йиғимлардан буйин товлаш мақсадидаги молиявий инвестициялар, солиқ агенти томонидан ҳисоблаш билан боғлиқ мажбуриятларини бажармаслик, ушлаб қолиш ёки тегишли бюджетга ўтказиш мажбуриятини бажармаслик қоидаларни бузиш учун ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) амалга ошириш билан боғлиқ ёлғон, шунингдек, солиқ тўловчи томонидан қарзни ундириш учун зарур

бўлган маблағлар ёки мол-мулкни яшириш мақсадида тергов ҳаракатини амалга ошириш чоғида унинг иштирокчилари ўртасида низоли вазият юзага келади. Бундай вазиятда ҳақиқатни аниқлаш учун суриштирувчи ёки терговчи иштирокчилардан бирининг ҳаққоний кўрсатувидан фойдаланиши керак.

Агар жиноятда шериклар ўртасида юзлаштириш тергов ҳаракати ўтказилаётган бўлса, ҳар бири бошқасига нисбатан бемалол тўлиқроқ гувоҳлик беришини ва ўзининг жиноий ҳаракатлари ҳақида сукут сақлашга интилишини ҳисобга олиш керак. Бундай ҳолатда терговчи иштирокчилар ўртасида қарама-қарши манфаатлар мавжудлигини ҳисобга олади ва сўроқда у ёки бу иштирокчига саволлар бериш тартибини вақти-вақти билан ўзгартириши керак. Агар юзлаштириш тергов ҳаракатининг иккала иштирокчиси ҳам ёлғон гувоҳлик берса, бу тергов ҳаракатини ўтказиш тактик хавф билан боғлиқ, чунки улар ўртасида тил бириктириш ҳолатлари бўлиши мумкин. Агар қарама-қаршиликларни бартараф этишнинг бошқа усуллари мавжуд бўлса, бундай ҳолатда юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш тавсия этилмайди.

Юзлаштириш тергов ҳаракати чоғида гувоҳлар гумон қилинувчи ёки айбланувчининг жавобгарликдан қочишидан манфаатдор бўлгани, шунингдек қарамликнинг ҳар хил турлари ва даражалари туфайли гумон қилинувчининг (айбланувчининг) томонини олишлари мумкин. Шунинг учун, юзлаштириш тергов ҳаракатини бошлашдан олдин терговчи барча саъй-ҳаракатларини солиқ жиноятини содир этиш механизмнинг ҳолатларини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки гувоҳларни қидиришга йўналтириши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Руководство для следователей / под ред. Н.А. Селиванова, В.А. Снеткова. М.: ИНФРА- М, 1997. С. 306.
- 2.http://loveread.ec/view_global.php?id=49602
- 3.Мехмонов А.Я. СЎРОҚ ҚИЛИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИ СИФАТИДА: УНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТУРЛАРИ ВА ТАКТИКАСИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 3. – С. 981-985.
- 4.Мухиддинов Б.Ҳ. СЎРОҚ ҚИЛИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ ЎТКАЗИ ТАРТИБИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 530-534.
- 5.Базарова Д.Б. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЖАБРЛАНУВЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ КАФОЛАТЛАРИ //ЮРИСПРУДЕНЦИЯ. – 2022. – Т. 3. – №. 1.

- 6.Туйчиев А.О. ЎЗЛАШТИРИШ ЁКИ РАСТРАТА ЙЎЛИ БИЛАН ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШ ЖИНОЯТИНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ //ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2021. – Т. 6. – №. 3.
- 7.Пешков С. С. Тактика допроса по делам о налоговых преступлениях //Проблемы экономики и юридической практики. – 2007. – №. 4. – С. 18-19.
- 8.Боровков А. В. Психологические и тактические особенности допроса подозреваемого (обвиняемого) при расследовании «налоговых преступлений» //Legal Concept. – 2010. – Т. 5. – №. 2-13. – С. 118-122.
- 9.Табакова Н. А. Особенности допроса обвиняемого по делам о налоговых преступлениях //Вестник Краснодарского университета МВД России. – 2011. – №. 2 (12). – С. 59-64.
- 10.Сажаев А. М. О тактике допроса подозреваемых (обвиняемых) при расследовании налоговых преступлений //Противодействие налоговой преступности. – 2018. – С. 175-179.



WOC
WORLD
ONLINE
CONFERENCES

